

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

48-сон
(808)
2017 йил
4 декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

1179. «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ–5264-сон Фармони
1180. «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ–5268-сон Фармони
1181. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ–5269-сон Фармони

Учинчи бўлим

1182. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат муносабат-

ларини тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 ноябрдаги 944-сон қарори

Бешинчи бўлим

1183. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 27 ноябрдаги 408-мх-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисида адлия органларига ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 27 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2563-1*)
1184. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 31 октябрдаги 119-сон «Одамнинг иммунитет танқислиги вирусига тиббий текширувдан ўтказиш қоидаларининг 28-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2584-1*)
1185. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/10-сон «Тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2758-1*)
1186. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/11-сон «Тижорат банклари томонидан янги рўйхатга олинган юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2883-1*)
1187. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 20 ноябрдаги 158-сон «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шаклларини ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1945-4*)
1189. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 20 ноябрдаги 160, 2017-62-сон «Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадал-

лари бўйича солиқ ҳисоботи шаклларига қўшимча киритиш тўғрисида»-ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2439-5*)

1190. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратурасининг 2017 йил 23 ноябрдаги 168, 36-сон «Ижро йиғимини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2952*)

1191. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 29 ноябрдаги 416-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомнинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-3*)

1194. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги 170, 2, 39-сон «Балиқ овлаш корхоналарида табиий сув хавзаларидан фойдаланганлик учун ижара ҳақини ҳисоблаш ва уни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1292-4*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 25 ноябрдан 1 декабргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1179 Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида*

Замонавий шароитларда жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг, мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда.

Ўтган даврда фан ва технологияларни ривожлантириш соҳасида зарур инфратузилма яратилди, муайян интеллектуал ва технологик салоҳият шакллантирилди.

Шу билан бирга, қуйидаги тизимли муаммоларнинг мавжудлиги, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун мавжуд имкониятлар ва салоҳиятдан етарлича фойдаланмаслик кўзланган ислохотларнинг самарали амалга оширилишига ҳамда мамлакатнинг жадал инновацион ривожланишига тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

биринчидан, давлат дастурларини ишлаб чиқишда замонавий фан ва инновацион технологияларнинг ютуқлари ва ривожланиш тенденцияларини лозим даражада комплекс таҳлил қилиш ва ўрганиш мавжуд эмас, бунинг оқибатида мазкур дастурлар аксарият ҳолатларда муаммоларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган ҳамда узоқ муддатли ривожланиш масалаларини ҳал этмаяпти;

иккинчидан, фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этишнинг ҳозирги аҳволи инновацион ғоялар ва ишланмаларни тўлиқ рўёбга чиқариш ва амалий жорий этиш учун лозим даражадаги шароитларни таъминламаяпти;

учинчидан, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни стратегик прогноз қилиш, қўллаб-қувватлаш ва жорий этишни таъминловчи ягона органнинг мавжуд эмаслиги, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасаларининг тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатиши фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ интеграциялашишига имкон бермаяпти, бу эса ўтказилаётган изланишларнинг самарадорлигини пасайтирмоқда;

тўртинчидан, юқори технологиялар, ноу-хау ва замонавий ишланмаларни биринчи навбатда жорий этишни талаб қилувчи устувор соҳа ва тармоқларни аниқлаш бўйича фаолиятни ташкил этишдаги камчиликлар техноло-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 1 декабрда эълон қилинган.

гик қолақликка ва инновацион товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг чекланганлигига олиб келмоқда;

бешинчидан, илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ҳамда инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий этишда алоҳида ҳолатлардаги тор идоравий манфаатларнинг устунлик қилиши бюджет маблағларидан нооқилона фойдаланишнинг сабабларидан биридир;

олтинчидан, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикликни татбиқ этишга, шунингдек, инновацион маҳсулотларни жорий этиш учун инфратузилмани такомиллаштиришга етарли эътибор қаратилмаяпти;

еттинчидан, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш соҳасида юқори тажриба ва салоҳиятга эга бўлган хорижий (халқаро) ташкилотлар билан ҳамкорлик, шунингдек, улардан бутун мамлакат фани, саноати ва иқтисодиётини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда фойдаланиш паст даражада сақланиб қолмоқда.

Мазкур ҳолатлар инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш соҳасида давлат бошқарувининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришни талаб қилади.

Илғор хорижий тажриба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узоқ муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажақдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш;

давлат хизматлари кўрсатишнинг тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шакллари жорий этиш;

худудлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги юксалиши учун зарур шароитларни таъминлашга қодир бўлган фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш;

инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш, уларнинг янада ривожланишини таъминловчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда

рағбатлантириш, шунингдек, ушбу фаолиятда иқтидорли ёшлар фаол иштирок этиши учун қулай шароитлар яратиш;

мамлакатимиз илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг истиқболли ютуқларини тарғиб қилиш ва жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, шу жумладан илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, технопарклар ва бошқа инновацияга йўналтирилган тузилмаларни, хусусан чет эл инвесторлари иштирокида ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни, жумладан муқобил энергия манбаларини, сувни тозалаш ва чучуқлаштириш, ундан оқилона фойдаланишнинг замонавий шаклларини кенг қўллаш орқали фаол жорий этиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида касалликларни барвақт аниқлаш ва профилактика қилиш, ўз вақтида ва самарали даволашга имкон берувчи илғор технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган комплекс тизимни яратиш;

аграр соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни, шу жумладан ишлаб чиқариш самарадорлигини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини тарғиб қилиш;

иқтисодийётнинг реал сектори тармоқларини ҳар томонлама ривожлантиришни таъминловчи замонавий ахборот-коммуникация, саноат ва бошқа инновацион технологияларни жадал жорий этиш;

инновация фаолияти соҳасида илғор хорижий (халқаро) ташкилотлар билан, шу жумладан уларни ноу-хау, нанотехнологиялар ва юқори технологик товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг маҳаллий бозорига жалб қилиш орқали ҳамкорликни кенгайтириш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади);

Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

а) давлат ва жамият қурилишига инновацияларни жорий этиш соҳасида: инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқишни, давлат ва жамият бошқаруви тизимини ривожлантириш, давлат хизматлари сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказишни ташкил этиш;

давлат-хусусий шериклик механизмларини, энг аввало, инфратузилма объектлари ва ресурслар энг кўп сарф қилинадиган тармоқларда кенг жорий этишга кўмаклашиш;

долзарб муаммоларни, энг аввало, жойлардаги муаммоларни ҳал этиш-

да давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлигининг инновацион ёндашувларини ишлаб чиқиш;

жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

б) иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни жорий этиш соҳасида:

мамлакатимиздаги инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни тарғиб қилиш ва улардан амалий фойдаланишнинг механизмларини шакллантириш, бозорнинг тез ўзгарувчан жаҳон конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда миллий иқтисодиётни жадал ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш;

атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини пасайтириш имконини берувчи экологик тоза технологияларни қўллаган ҳолда унумдорликни оширишни назарда тутадиган «яшил иқтисодиёт» технологияларининг принципларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга кўмаклашиш;

республика инновацион салоҳиятининг, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари, технопарклар, шунингдек, логистик хаблар фаолияти самарадорлигининг ўсишига фаол кўмаклашиш;

макроиқтисодий, солиқ-бюджет, пул-кредит параметрлари, шунингдек, интеграция жараёнларининг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш билан ўзаро боғлиқликда иқтисодиёт тармоқларини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш сценарийларини шакллантиришга кўмаклашиш;

хизматлар соҳасини тубдан такомиллаштириш, энг аввало, инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ҳисобига уларнинг сифатини ва ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги ролини ошириш;

инновацион ёндашувлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали туризм соҳасининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш бўйича таклифлар киритиш;

инновацияларни жорий этиш ва ҳудудлар иқтисодиётини диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан орқада қолган туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш ҳисобига ҳудудлар иқтисодий тараққиётидаги номутаносибликларнинг олдини олиш;

в) қишлоқ хўжалигига инновацияларни жорий этиш соҳасида:

энг аввало, мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи «Ақлли қишлоқ хўжалиги» концепциясига асосланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг замонавий синалган шакллари жорий этиш бўйича таклифлар киритиш;

аграр секторда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини максимал даражада автоматлаштириш, ҳосилдорликни жиддий ошириш ва молиявий кўрсаткичларни яхшилаш, шунингдек, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишга кўмаклашиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини, шу жумладан йирик ритейлерлар ёрдамида таъминлаш орқали савдо бозорларини ва уларни тўғридан-тўғри етказиб беришни кенгайтиришга кўмаклашиш;

г) ижтимоий ривожланишга инновацияларни жорий этиш соҳасида:

таълим тизимида инновацияларни, шу жумладан ўқитишнинг замонавий, интерактив ва ижодий услубларини жорий этиш орқали тарғиб қилишга кўмаклашиш, рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни назарда тутувчи инновацион ўқув дастурларини ишлаб чиқишни таъминлаш;

соғлиқни сақлаш тизимини, шу жумладан касалликларни барвақт аниқлаш ва профилактика қилишни таъминлайдиган илғор технологияларни, «Ақлли тиббиёт» ва «Ягона тиббиёт ахборот маркази» концепцияларини жорий этиш орқали жадал ривожлантиришга, шунингдек, аҳолининг узок умр кўриши учун кўшимча шароитлар яратишга кўмаклашиш;

«Хавфсиз шаҳар», «Ақлли шаҳар» концепцияларини жорий этишни, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш учун зарур шароитларни таъминлайдиган маданий, спорт ва бошқа объектларни ташкил қилишни ҳам назарда тутувчи илғор стандартларни ҳисобга олган ҳолда, шаҳарсозликнинг фақат бош режалар, режалаштириш ва қурилиш лойиҳаларига мувофиқ изчил ривожланишини таъминлашга кўмаклашиш;

д) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тизимида инновацияларни жорий этиш соҳасида:

атроф-муҳит ифлосланишини камайтиришга, жумладан атмосфера ҳавосига чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларни, сув объектларига ташланадиган оқова сувларни камайтиришга, биологик хилма-хиллик ва экотизимни сақлашга қаратилган инновацион технологик ечимлар ишлаб чиқиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта ишлаб чиқариш бўйича инновацион ғоялар ва ишланмаларнинг, жумладан муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, энергия тежамкор, экологик тоза автотранспорт ёқилғисини ишлаб чиқариш технологиялари, чанг ва газдан тозаловчи технологияларнинг амалда қўлланишига кўмаклашиш;

сувдан фойдаланиш тизимини, шу жумладан сувни тозалаш, чучуклаштириш, оқова сувлардан қайта фойдаланиш ва сув тежашнинг инновацион технологияларини жорий этиш орқали такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

маиший ва саноат чиқиндиларини қайта ишлаш, шу жумладан энергия ва биоўғитларни ишлаб чиқариш учун юқори технологияларни жорий этиш бўйича илмий асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш;

иктисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

е) илғор технологиялар жорий этилишини ташаббус қилиш, мувофиқлаштириш ва рағбатлантириш соҳасида:

инновацион тадқиқотлар, ғоялар, ишланмалар ва технологияларни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, истиқболли фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда новаторлик ғояларини, шу жумладан норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш орқали ишлаб чиқиш;

имтиёз ва преференциялар тақдим қилиш, кўргазма тадбирларини ташкил этиш, етакчи хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро манфаатли яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали инновацион илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа муассасалар, илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, технопарклар ва бошқа инновацияга йўналтирилган тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш (илмий-тадқиқот ишлари қисмида), шунингдек, уларнинг моддий-техника ва илмий салоҳиятини мустаҳкамлашга қўмаклашиш;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва тижоратлаштириш бўйича замонавий илмий-технологик комплекслар, бизнес-инкубаторлар, стартап-акселераторларни, шу жумладан етакчи жаҳон ишлаб чиқарувчиларини жалб қилган ҳолда ташкил этиш, шунингдек, IT-инфратузилмани ривожлантиришга қўмаклашиш;

узок муддатли технологик ривожланиш эҳтиёжлари ва тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда замонавий юқори технологик ишлаб чиқаришни, шу жумладан янги авлод транспорт воситалари, робот техникалари ва юқори технологик маҳсулотларнинг бошқа турларини маҳаллийлаштириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш юзасидан ташаббус кўрсатиш;

маҳаллий инновацион маҳсулотларни, шу жумладан расмийлаштирилган халқаро патент ва лицензиялар асосида жорий этиш, ички ва жаҳон бозорларига йўналтириш имконини берувчи самарали механизмларни ишлаб чиқиш.

4. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлик:

Ўзбекистон Республикасини инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида жамият ва давлат ҳаётини ҳар томонлама ривожлантиришга, мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

инновацион фаолиятни унинг самарадорлиги индикаторлари асосида баҳолайди, илғор технологияларни биринчи даражада жорий этиш талаб қилинадиган тегишли тармоқ ва соҳаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасалари ҳамда бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасалар томонидан амалга ошириладиган давлат илмий-техникавий дастурлари ва лойиҳаларининг ягона буюртмачиси ҳисобланади;

юклатилган вазифалар доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотларда ишларнинг ҳолатини ўрганади, инновация фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни тўплаш ва умумлаштиришни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун

хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Белгилансинки, Вазирликнинг фаолият соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳалари Вазирлик билан мажбурий тартибда келишилиши шарт.

6. 2018 йил 1 январдан:

Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси;

Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги;

Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси ҳузуридаги Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ҳамда унинг Ижро этувчи дирекцияси тугатилсин.

Белгилансинки, ушбу бандда кўрсатилган тугатилаётган идора ва муассасаларнинг бўшаётган штат бирликлари Вазирликка ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Фанлар академияси билан биргаликда тугатилаётган идора ва муассасаларнинг ходимларини иш билан таъминлашга кўмаклашсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Фанлар академияси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси фаолиятини танқидий ўрганишни ҳамда илмий-тадқиқот фаолияти, унинг натижаларини амалиётга жорий этиш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича технопаркларни ташкил этиш юзасидан таклифлар киритишни;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда вазирликлар ва идоралар, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасаларининг вазифа ва функцияларини улар фаолиятида бир-бирини такрорлашнинг олдини олиш мақсадида ташкилий-штат тузилмалари ва ваколатларини оптималлаштириш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш бўйича танқидий ўрганишни ва таклифлар киритишни;

мазкур Фармоннинг 6-бандида кўрсатилган идоралар ва муассасалар тугатилиши билан боғлиқ тадбирларни ташкиллаштириш, шунингдек, Вазирликни жойлаштириш, шу жумладан тугатилаётган идоралар ва муассасаларнинг бинолари ва моддий-техника базасини ўтказиш орқали унинг моддий-техника базасини ташкил этиш, ишни самарали ташкил қилиш учун зарур бўлган компьютер техникаси, алоқа воситалари билан жиҳозлашни;

тугатилаётган Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси ҳузуридаги Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини Жамғарма ҳисобига ўтказишни;

Вазирликни юқори малакали кадрлар билан, шу жумладан тугатилаётган идоралар ва муассасаларнинг ходимлари ҳисобидан тўлдиришни;

илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш принциплари ва қўллаб-қувватлаш шакллари, шунингдек, инновацион гоюлар, ишланмалар ва технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни ҳам белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг «Инновацион фаолият тўғрисида»ги ва «Фан тўғрисида»ги қонунлари лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий лабораторияларни жиҳозлаш, олим ва мутахассисларнинг хорижда амалиёт ўташини ташкил этиш учун кредит ва грантларни жалб қилиш бўйича хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар билан тизимли ишларни олиб борсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фанлар академияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Вазирлик ва Жамғарма фаолиятини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари У.С. Исмаилов, О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 29 ноябрь,
ПФ-5264-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**1180 Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, шунингдек, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосига қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принциплар пойдевор қилиб қўйилган.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, одил судловнинг сифати ва шаффофлигини ошириш, «Хабеас корпус» институтини қўллашни кенгайтириш, коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини яратишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча тергов юритишга қайтариш тартибининг бекор қилинганлиги суд ва тергов органларининг ҳақиқатни ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш, шунингдек, қонуний, асослантилган ва адолатли қарор қабул қилиш борасидаги масъулиятини ошириш имконини берди.

Натижада фақатгина 2017 йилнинг 10 ойи давомида судлар томонидан 191 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди, ваҳоланки охириги беш йилда атиги 7 нафар шахс оқланган. Бундан ташқари, жорий йилда дастлабки тергов органлари томонидан реабилитация ва бошқа асослар бўйича 3 511 та жиноят иши тугатилган.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили, аҳоли билан очиқ мулоқот натижаларини умумлаштириш қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш ва қўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлигидан далолат бермоқда.

Ушбу ҳолатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, оқибатда эса аҳолининг асосли эътирозига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва суднинг беғаразлигига бўлган ишончининг пасайишига олиб келмоқда.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 1 декабрда эълон қилинган.

Қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни сўзсиз ва оғишмай таъминлаш, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ:

1. Қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай ва қатъий риоя этишга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг биринчи даражали эътибори қаратилсин, унга мувофиқ қонун нормаларини аниқ ижро этиш ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра келиб чиққанидан қатъи назар, қонунийликни бузиш ҳисобланади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2. Процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан, шу жумладан:

жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд кадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда;

гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини, шунингдек, таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини бузган ҳолда;

жиноят процессида иштирок этаётган шахсга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирмаслик оқибатида уни чалғитган ҳолда;

мазкур жиноят иши бўйича иш юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан процессуал ҳаракатларни ўтказиш оқибатида;

номаълум манбадан ёхуд жиноят иши бўйича иш юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

дастлабки тергов жараёнида жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг судда мавжуд далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан;

мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган ҳоллардан ташқари, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг тахмин, фараз ёки миш-мишларга асосланган кўрсатувларидан олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмасин.

3. Қўйидагилар тақиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардан ташқари, судларда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш;

процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, аудио ва видеоёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш.

4. Шахсни ноқонуний ушлаб туриш, қамоққа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукм қилишга сабаб бўлган, ҳужжатлар ёки ашёларга била

туриб ёлгон маълумотлар ва бошқа бузиб кўрсатилган фактларни киритиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатув беришга мажбурлаш, иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни бузиб кўрсатиш орқали далилларни қалбакилаштирганлик учун, ёлгон гувоҳлик ва ёлгон хабар берганлик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутган ҳолда, жиноий жавобгарлик киритилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган ушланган шахс тегишли ваколатли органга етказилган вақтдан бошлаб етмиш икки соат ичида мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрим устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эга;

далилларни йиғиш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган услублар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар прокуратура органлари ёки суд томонидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тиббий экспертиза ўтказиш орқали мажбурий текширилиши шарт;

ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш (ўта оғир жиноятлар бўйича), тинтув, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатларни видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда мажбурий видео қайд этиш амалга оширилади;

химоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриб чиқиш вақтида мажбурий текширилиши ва баҳоланиши шарт;

ҳақиқий маълумотларнинг далил сифатида фойдаланишга номақбуллиги суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан ўз ташаббуси билан ёки тарафлар илтимосномаси бўйича белгиланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд далилларнинг номақбуллиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда далилнинг номақбул деб топилишига асос бўлган қонун бузилиши нимада ўз аксини топганлигини аниқлашга ва асослантирилган қарор (ажрим) қабул қилишга мажбур;

суд муҳокамаси жараёнида стенография юритилади, унинг материаллари жиноят иши материалларига қўшиб қўйилади;

прокурор томонидан:

озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган, қамоқда сақланаётган, ушлаб турилган ёки маъмурий қамоққа олинган шахслардан жиноятлар тўғрисидаги олинган ариза, хабар ва бошқа маълумотларни зудлик билан қайд этиш ва ҳал қилиш тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя этилиши;

мазкур шахсларга ёки уларнинг яқин қариндошларига психологик ёхуд жисмоний таъсир кўрсатилган бўлиши мумкинлиги, шунингдек, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликдан озод этилиши юзасидан чалғитилганлиги;

ноқонуний жавобгарликка тортиш ҳолатлари бўйича юқори турувчи прокурорни хабардор қилган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўташ тартибини бузганлик учун маҳкумларга интизомий жазо чора-

си қўлланилишининг қонунийлиги юзасидан мажбурий тарзда текширишлар ўтказилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати (О.Б. Муродов) бир ой муддатда мазкур Фармоннинг 1 — 5-бандларида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси тартибида тайёрласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда;

жиноят ишлари бўйича ушлаб туриш ва бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллашда;

маъмурий қамоқ тарзидаги маъмурий жазони ижро этишда;

содир этган жинояти ҳақида қонунда белгиланган муддатларда хабар қилган, чин қўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва етказилган зарарни қоплаган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи нормаларни қўллашда қонунийликнинг ҳамда қонунчилик талабларини бузганликнинг ҳар бир ҳолати бўйича жавобгарлик муқаррарлигининг таъминланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва махсус қабулхоналар, маъмурий қамокни ўташ жойларини видеокузатув воситалари билан жиҳозлашни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган, ушлаб турилган ёки қамокда сақланаётган, шунингдек, маъмурий қамокқа олинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

суд-тергов ҳаракатларини юриштининг инновацион шакл ва услубларидан фойдаланишнинг, шунингдек, далиллар алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашнинг илғор хорижий тажрибасини ўрганиш ҳамда таҳлил қилишни;

ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишга, шу жумладан, ўраб олиш орқали йўл қўймасликка қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлашни;

қонунчиликни ҳамда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш услубиётини янада такомиллаштириш, суд-тергов фаолиятида замонавий

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, жиноят иши бўйича иш юритувни, шу жумладан, «Электрон жиноят иши» тизимини жорий этиш орқали оптималлаштириш ва содаллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда киритишни ташкил этсин.

11. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 30 ноябрь,
ПФ–5268-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

1181 **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим**
ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ–442-сон Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 30 ноябрь,
ПФ–5269-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 1 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги
ПФ–5269 Фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва божхона тўғрисидаги қонунларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар ҳақида»ги 1994 йил 18 мартдаги ПФ–795-сон Фармонининг 1-банди иккинчи хатбошисидаги «суриштирув» деган сўз «терговга қадар текширув ва суриштирув» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги 1997 йил 8 июлдаги ПФ–1815-сон Фармонининг 3-банди учинчи хатбошисидаги «суриштирув» деган сўз «терговга қадар текширув, суриштирув» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ–331-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти тўғрисида низомида:

а) 8-бандининг 8.5-кичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8.5. Терговга қадар текширув ва суриштирув олиб бориш соҳасида

жиноий ишлар қўзғатиш, молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасида жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларини содир этиш ҳоллари, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича терговга қадар текширув ва суриштирув ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш;

Департаментнинг ҳудудий бўлинмаларида терговга қадар текширув ва суриштирув олиб борилиши устидан назоратни амалга ошириш».

б) 12-банддаги «суриштирув» деган сўз «терговга қадар текширув, суриштирув» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2010 йил 8 январдаги ПҚ–1257-сон қарорининг 1-банди еттинчи хатбошисидаги «суриштирув» деган сўз «терговга қадар текширув» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қоидаларини амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги 2011 йил 5 июлдаги ПҚ–1566-сон қарорининг 1-банди учинчи хатбошисидаги «суриш-

тирув» деган сўз «суриштирув ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори билан тасдиқланган Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисидаги низомнинг 39-бандининг бешинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ишни тергов, суриштирув ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга топшириш».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ–2883-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг бешинчи хатбошисидаги «суриштирув» деган сўз «терговга қадар текширув, суриштирув» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 7-банди «г» кичик банднинг саккизинчи хатбошисидаги «суриштирув» деган сўз «терговга қадар текширув, суриштирув» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги ПҚ–3126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси тўғрисидаги низомда:

а) 6-банди «а» кичик бандининг еттинчи хатбошисидаги «суриштирув» деган сўз «терговга қадар текширув, суриштирув» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 7-банднинг еттинчи хатбошисидаги «суриштирув» деган сўз «терговга қадар текширув, суриштирув» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1182 Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш тўғриси- даги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон Фармони билан тасдиқланган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ҳафта муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирайсинлар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-тахлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 27 ноябрь,
944-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 27 ноябрдаги 944-сон қарорига
ИЛОВА

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат
муносабатларини тартибга солиш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоида

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 февралдаги ПФ–4944-сон Фармониغا мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш тартибини белгилайди.

**2-боб. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва ходимлари
билан меҳнат муносабатларини тартибга солиш тартиби**

2. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва ходимлари («Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, масъул котиб ва бошқалар) ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар.

3. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва ходимларининг меҳнат мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, шунингдек, улар ўртасидаги ўзаро муносабат масалалари меҳнат муносабатларини тартибга соладиган норматив ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинадиган ва фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) тасдиқлайдиган ички ҳужжатларда аниқлаштирилади.

4. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) фуқаролар йиғини ваколатларини амалга ошириш мақсадида Фуқаролар йиғини кенгашининг қарорига кўра, фуқаролар йиғини аҳолисини хизматлар кўрсатиш бўйича фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида айрим ишларни бажаришга жалб қилиш ҳуқуқига эга.

5. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маҳаллалар ҳудудида яшайдиган ишсиз шахсларни жамоат ишларига жалб қилиш учун улар билан меҳнат шартномалари тузиш ҳуқуқига эга ва уларнинг меҳнатига Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади.

**3-боб. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш**

6. Фуқаролар йиғини штатига кирадиган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва ходимлари меҳнатига меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича Ягона тариф сеткаси асосида лавозим маоши шаклида ҳақ тўланади. Ушбу тоифадаги

ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаролар йиғинлари ходимлари меҳнатига Ягона тариф сеткаси бўйича ҳақ тўлашнинг разрядларини белгилаш тўғрисида» 2017 йил 17 июлдаги 500-сон қарори билан белгиланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва ходимларига қўшимча ҳақ ва устамалар меҳнат шартномалари, шунингдек, иш берувчи томонидан касаб ва уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда қабул қилинадиган бошқа маҳаллий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

7. Бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан мукофотлар ва қўшимча ҳақ: фуқаролар йиғини раисларига (оқсоқолларига) — тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари — Туман (шаҳар) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгаш раиси қарори билан;

фуқаролар йиғинининг бошқа ходимларига — фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқоли) тақдимномаси асосида тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари қарори билан тўланади.

8. Фуқаролар йиғини ходимлари ҳисобланмаган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари ва миқдори Фуқаролар йиғини кенгаши томонидан белгиланади.

Фуқаролар йиғини ваколатларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган фуқароларга пул мукофоти қонун ҳужжатларида назарда тутилган бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан тўланади.

4-боб. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва ходимларининг иш тартиби

9. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва ходимларининг иш тартиби қирқ соатлик ва олти кунлик иш ҳафтасидан келиб чиққан ҳолда Фуқаролар йиғини кенгаши томонидан тасдиқланадиган ички тартиб-қоидаларига кўра белгиланади.

10. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларни амалга ошириш бўйича фуқаролар йиғини фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниб, иш вақтининг жамланган ҳисоби юритилади ва иш куни соат 7-00 дан 22-00 гача тақсимланади.

Фуқаролар йиғини ходимларининг мослаштирилган иш вақти шароитидаги иш жадвали ходимларнинг лавозим мажбуриятларини бажаришини оптималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан, фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқоли) иш вақти жадвали — Фуқаролар йиғини кенгаши томонидан белгиланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва ходимларининг иш жадвали уларнинг бевосита фуқаролар йиғини биносида бўлиш вақти кўрсатилган ҳолда умумий кўринадиган жойда осиб қўйилади.

11. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва ходимларига ҳар йили 24 кунлик ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

12. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва ходимларининг ваколатлари «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун ва фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ҳамда ходимларининг меҳнат муносабатларини тартибга соладиган норматив ҳужжатларда назарда тутилган тартибда тугатилади.

13. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва ходимларининг меҳнат муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БҮЙРУҒИ

1183 «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисида адлия органларига ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 27 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2563-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 51-мқ-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисида адлия органларига ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2563, 2014 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 9-сон, 101-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» —

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 27 ноябрда эълон қилинган.

«Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 27 ноябрь,
408-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1184 Одамнинг иммунитет танқислиги вирусига тиббий
текширувдан ўтказиш қоидаларининг 28-бандига
ўзгартириш киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2584-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буяраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 15 апрелдаги 5-сон буйруғи (рўйхат рақами 2584, 2014 йил 15 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 237-модда) билан тасдиқланган Одамнинг иммунитет танқислиги вирусига тиббий текширувдан ўтказиш қоидаларининг 28-банди қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«28. Текширувдан ўтаётган шахсни ғайриихтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз терговга қадар текширувни амалга

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

оширувчи органнинг мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорига ёки суд ажримига кўра амалга оширилади.».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 31 октябрь,
119-сон

Келишилган:

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2017 йил 30 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

1185 Тижорат банклари томонидан касб-хунар коллеж-лари битирувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2758-1

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ–3270-сонли «Республика банк тизими ни янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 16 январдаги 1/10-сон қарори (рўйхат рақами 2758, 2016 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 5-сон, 43-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-банди биринчи хатбошидан «, банкнинг имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан микрокредит ажратилган тақдирда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдоридан» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 11 ноябрда,
31/10-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

1186 Тижорат банклари томонидан янги рўйхатга олинган юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2883-1

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимида янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

8 апрелдаги 7/3-сон қарори (рўйхат рақами 2883, 2017 йил 12 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 351-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан янги рўйхатга олинган юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди биринчи хатбошидан «, банкнинг Имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан микрокредит ажратилган тақдирда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдориди» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 11 ноябрь,
31/11-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1187 «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1945-4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сон «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 19 мартдаги 37-сон «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1945, 2009 йил 20 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 17-сон, 217-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 20 ноябрь,
158-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2017 йил 20 ноябрдаги
158-сон буйруғига
ИЛОВА

«Сугурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-илова иловасининг 8-устуни номидаги «хўжалик суди» ва «хозяйственного суда» деган сўзлар тегишлича «иқтисодий суд» ва «экономического суда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 7-илова 140^б-бандининг «д» кичик бандидаги «хўжалик судининг» деган сўзлар «иқтисодий суднинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1189 Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи шаклларига қўшимча киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2439-5

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 июлдаги 462-сон «Жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини электрон ҳисобга олишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сон «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 12(I)-сон, 162-модда) билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи шакллари ушбу қарор иловасига мувофиқ таҳрирдаги 4а-илова билан тўлдирилсин.

2. Шундай тартиб белгилансинки, унга асосан ушбу қарор иловасига мувофиқ ҳар бир жисмоний шахс кесимида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳисобланган фуқароларнинг суғурта бадаллари суммалари тўғрисида маълумотлар солиқ тўловчилар томонидан 2019 йилнинг 1 январига қадар ихтиёрий равишда тақдим этилади.

3. Мазкур қарор 2018 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2017 йил 20 ноябрь,
160-сон

Б. ХОДЖАЕВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2017 йил 20 ноябрь,
2017-62-сон

Б. ПАРПИЕВ

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 30 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2017 йил 20 ноябрдаги 160, 2017-62-сон қарорига
ИЛОВА
«Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари
Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари ҳисоб-китобига
4а-ИЛОВА

СТИР варақ

Ҳар бир жисмоний шахс кесимида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳисобланган фуқароларнинг
сугурта бадаллари суммалари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

20__ йилнинг _____ оyi учун

Т/р	Жисмоний шахснинг Ф.И.О.	Лавозими	СТИР	ЖШШИР	Олдинги ҳисобот даври охирига ҳисобланган фуқароларнинг сугурта бадаллари суммаси (олдинги ҳисобот даври учун Маълумотнинг 8-устуни)	Ҳисобот оyi учун ҳисобланган фуқароларнинг сугурта бадаллари суммалари (ўсиб боровчи яқунсиз тўлдирилади)	Ҳисобот даври охирига ҳисобланган фуқароларнинг сугурта бадаллари суммаси (6-уст. + 7-уст.)	Сугурта бадаллари ҳисобланмаган даврлар		
								бошланиш санаси (кун)	яқуний сана (кун)	Асос (м. т., б. п., и. с., м. л. м. ф.)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
ЖАМИ										

Изоҳлар:

3 — устунда Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификатори (ХАЛИКК — 2017)га мувофиқ жисмоний шахснинг эгаллаб турган лавозими кўрсатилади.

6-устунда тегишли жорий солиқ даврининг биринчи ойида «0» қиймат киритилади.

9, 10, 11-устунлар ходим иш жойида узрли сабабларга кўра бўлмаган ҳолатларда тўлдирилади.

9-устунда таътил бериш санаси ёки 11-устунда кўрсатилган сабаб билан иш жойида бўлмасликнинг бошқа даври бошланиш санаси кўрсатилади.

10-устунда таътилни яқунланиши санаси ёки 11-устунда кўрсатилган сабаб билан иш жойида бўлмасликнинг бошқа даври яқунланиши санаси кўрсатилади.

11-устунда жисмоний шахсларнинг иш жойида узрли сабабларга кўра бўлмаганлиги даврларининг қисқача белгиланишлари, шунингдек меҳнат фаолиятининг бошланиши ва яқунланиши кўрсатилади (м. т. — йиллик меҳнат таътили, б. п. — декрет таътили (бола парвариллаш), и. с. — иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил, м. л. — меҳнатга лаёқатсизлик даври, м. ф. — меҳнат фаолияти даври — ходим ишга қабул қилинганда ва ишдан бўшатилганда тўлдирилади).

Раҳбар _____

(имзо)

Бош бухгалтер _____

(имзо)

М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1190 Ижро йиғимини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2952*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ–5059-сон «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратураси **қарор қилади:**

1. Ижро йиғимини қайтариш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлигининг 2010 йил 7 сентябрдаги 75, 14-сон «Ижро йиғимини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2142, 2010 йил 21 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 38-сон, 336-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2017 йил 23 ноябрь
168-сон

Б. ХОДЖАЕВ

Бош прокурор

Тошкент ш.,
2017 йил 23 ноябрь
36-сон

И. АБДУЛЛАЕВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 30 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Бош прокуратурасининг
2017 йил 23 ноябрдаги 168, 36-сон қарорига
ИЛОВА

Ижро йиғимини қайтариш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ–5059-сон «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ давлат ижрочилари томонидан ижро ҳужжати бўйича ундирилган ижро йиғимини қонунчиликда белгиланган ҳолатларда қайтариш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат ижрочиси томонидан ундирилган ижро йиғимини қайтаришда қўлланилади.

2. Ижро йиғимининг қайтарилиши лозим бўлган суммасига фоизлар ҳисобланмайди.

2-боб. Ижро йиғимини қайтариш

3. Ижро йиғимини қайтаришга мажбурий ижро ҳаракатини амалга оширган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси марказий аппаратининг ёки тегишли ҳудудий бўлинмасининг (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарори асос бўлиб ҳисобланади.

4. Ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

а) ижро йиғимини қайтаришга қуйидаги асослар:

қарздорнинг аризасига асосан, асос сифатида ижро ҳужжати берилган суд қарори ёки бошқа орган қарорининг ёхуд қонун бўйича ижро ҳужжати ҳисобланадиган бошқа ҳужжатнинг бекор қилиниши;

қарздор ёки ундирувчининг аризасига асосан, асос сифатида ижро ҳужжати берилган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатларининг ўзгартирилиши, агар ушбу ўзгартириш натижасида тўланган ижро йиғими миқдорини қайтадан кўриб чиқиш лозим бўлса;

қарздор ёки ижро йиғими ундирилган бошқа шахснинг аризасига ёхуд суд ижрочисининг ташаббусига асосан, ижро йиғими миқдорининг нотўғри ёки ортиқча ўтказилганлиги;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда;

б) Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси (бундан

кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қопланадиган улушини алоҳида кўрсатган ҳолда, қайтарилиши лозим бўлган жами маблағлар суммаси;

в) ижро йиғимини тўлаган ва ушбу кўрсатилган маблағлар қайтарилаётган шахснинг банк реквизитлари.

Ижро йиғимини қайтариш ҳақидаги ариза ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар юзага келганидан кейин уч йилдан кечиктирмасдан берилади.

5. Ундирилган ижро йиғими суммаларини Ўзбекистон Республикасининг тегишли тижорат банкида очилган махсус транзит ҳисоб рақамига ва мазкур ҳисоб рақамдан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадига ва Жамғармага ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар нусхаларини илова қилган ҳолда, ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки кун муддатдан кечиктирилмаган ҳолда ижро йиғимини тўлаган шахсга қайтариш учун Жамғармага юборилади.

6. Ижро йиғимининг қайтарилиши Жамғарма томонидан ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарор олинган кундан бошлаб беш банк иш куни мобайнида Жамғарма маблағлари ҳисобидан, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан қайтарилиши лозим бўлган ижро йиғими улушининг Жамғармага қоплаб берилиши билан амалга оширилади.

Ижро йиғимининг Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан қайтарилиши лозим бўлган тегишли улушини Жамғарманинг ҳисоб рақамига қоплаб бериш учун Жамғарма жами қайтарилиши лозим бўлган ижро йиғими суммасини қайтаргандан сўнг мажбурий ижро ҳаракатларини амалга оширган Бюронинг ҳудудий бўлинмалари жойлашган жойдаги тегишли туман (шаҳар) давлат солиқ хизмати органига (бундан кейинги ўринларда давлат солиқ хизмати органи деб юритилади) ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарор нусхасига Жамғарманинг банк реквизитлари тўғрисидаги маълумотларни ва қуйидагиларни:

Ўзбекистон Республикасининг тегишли тижорат банкида очилган махсус транзит ҳисоб рақамига ундирилган ва мазкур ҳисоб рақамдан Ўзбекистон Республикаси республика бюджети даромадига ижро йиғими ўтказилганлиги;

ижро йиғимини тўлаган шахсга ундирилган маблағнинг қайтарилганлиги фактини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда юборади.

7. Давлат солиқ хизмати органи Жамғармадан ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарор нусхасини иловалари билан олган кундан бошлаб беш банк иш куни мобайнида тегишли молия органига ундирилган ижро йиғимининг тегишли улуши Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига келиб тушганлигини тасдиқловчи хулосани, келиб тушиши, ҳақиқатда келиб тушган ва қайтарилиши лозим бўлган маблағларни кўрсатган ҳолда ва Жамғармадан олинган ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда юборади, бунда хулосанинг нусхаси Жамғармага юборилади. Агарда унди-

рилган ижро йиғимининг тегишли улуши Ўзбекистон Республикаси республика бюджети даромадига ҳақиқатда келиб тушганлиги тасдиқланмаган ҳолатда, давлат солиқ хизмати органининг тегишли хулосаси Жамғармага юборилади.

8. Тегишли молия органи давлат солиқ хизмати органининг ундирилган ижро йиғими улушининг Ўзбекистон Республикаси республика бюджети даромадига ҳақиқатда тушганлигини тасдиқловчи хулосасига асосан, хулоса олингандан сўнг икки банк иш кунидан кечикмаган ҳолда ўрнатилган тартибда тегишли маблағларни Жамғарманинг ҳисоб рақамига қоплаб беради.

Маблағларни қоплаб бериш, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ажратмалар амалга оширилгунга қадар даромадларнинг тегишли турлари бўйича тегишли шартли ҳисоб рақамлар (ШХР) билан 23402-сон баланс ҳисобварағидан бюджетга жорий ҳар кунлик тушумлар ҳисобидан амалга оширилади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

9. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

10. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

2017 йил 23 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**1191** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомнинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сон «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 21 декабрдаги 304-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2166, 2010 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 499-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низом 6-бандининг иккинчи хатбошидан «, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 29 ноябрь,
416-мх-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 30 ноябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

1194 «Балиқ овлаш корхоналарида табиий сув ҳавзалари-
ридан фойдаланганлик учун ижара ҳақини ҳисоб-
лаш ва уни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқ-
лаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва
қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1292-4*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 августдаги 593-сон «Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага бериш ва Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.
3. Мазкур қарор 2018 йил 1 январдан кучга кириди.

Молия вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 27 ноябрь,
170-сон

**Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси раиси**

Б. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 27 ноябрь,
2-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 1 декабрда эълон қилинган.

**Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири****3. МИРЗАЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 27 ноябрь,
39-сон

Келишилган:

**Давлат статистика
қўмитаси раиси****Б. БЕГАЛОВ**

2017 йил 27 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Экология ва
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги
170, 2, 39-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2003 йил 6 ноябрдаги 125, 02-1212 ва 01/22-142-сон «Балиқ овлаш корхоналарида табиий сув ҳавзаларидан фойдаланганлик учун ижара ҳақини ҳисоблаш ва уни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1292, 2003 йил 20 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазириликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 24-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2010 йил 4 февралдаги 9, 1 ва 1/1-сон «Балиқ овлаш корхоналарида табиий сув ҳавзаларидан фойдаланганлик учун ижара ҳақини ҳисоблаш ва уни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1292-1, 2010 йил 15 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 6-7-сон, 57-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2010 йил 25 майдаги 46, 3 ва 6/2-сон «Балиқ овлаш корхоналарида табиий сув ҳавзаларидан фойдаланганлик учун ижара ҳақини ҳисоблаш ва уни ундириш

тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1292-2, 2010 йил 9 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 23-сон, 191-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2015 йил 7 июлдаги 61, 8 ва 12-сон «Балиқ овлаш корхоналарида табиий сув ҳавзаларидан фойдаланганлик учун ижара ҳақини ҳисоблаш ва уни ундириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1292-3, 2015 йил 9 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 362-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2017 йил 25 ноябрдан 1 декабргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 27 ноябрдаги 408-мх-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисида адлия органларига ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 27 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2563-1.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 31 октябрдаги 119-сон «Одамнинг иммунитет танқислиги вирусига тиббий текширувдан ўтказиш қоидаларининг 28-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2584-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/10-сон «Тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2758-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/11-сон «Тижорат банклари томонидан янги рўйхатга олинган юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2883-1.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 20 ноябрдаги 158-сон «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шаклларини ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1945-4.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 163, 01/29-10/29, 2017-65-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши ва тўланишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1121-4.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 20 ноябрдаги 160, 2017-62-сон «Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи шаклларига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2439-5 (2018 йил 1 январдан кучга киради).

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратурасининг 2017 йил 23 ноябрдаги 168, 36-сон «Ижро йиғимини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2952.

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 29 ноябрдаги 416-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомнинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-3.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 22 ноябрдаги 166, 01/29-10/30-сон «Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1473-3.

11. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 23 ноябрдаги 01/09-10/32-сон «Давлат акциялар пакети (улушлари)ни ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1410-8.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги 170, 2, 39-сон «Балиқ овлаш корхоналарида табиий сув хавзаларидан фойдаланганлик учун ижара ҳақини ҳисоблаш ва уни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1292-4 (2018 йил 1 январдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисида адлия органларига ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2563, 2014 йил 28 февраль).

Адлия вазирининг 2017 йил 27 ноябрдаги 408-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 24 октябрдаги 639-сон буйруғи.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва қонун ҳужжатларига зид ҳужжат сифатида бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди.

